


Нубувват хонадонидан муҳаббат қиссаси (тўртинчи мақола)



10:26 / 28.01.2022 2344

Қиссадан олинадиган ҳисса ушбу гўзал муҳаббат қиссаси шу мавзудаги кўплаб ҳикоялардан бир неча жиҳатлари ила фарқ қилади:

– бу қисса ҳаёлий эмас, ҳаётийдир. Унинг энг катта ютуғи ҳам шунда. Унда шахслар ҳам, воқеалар ҳам, гап-сўзлар ҳам ҳаётда бўлиб ўтган, тўқима эмас. Бу қисса ҳаётий бўлгани боис ундан ибрат олиш, ундаги маъноларни ҳаётга кўчириш ва шу орқали бахтли оила барпо этиш мумкин. Ҳаёлий ҳикояларда эса бунинг иложи йўқ: аввало улардаги фикр ва амалларни ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, агар зўракилик билан қўллаб кўрилса, натижа акс бўлади, ҳаёт издан чиқади.

– бу муҳаббат ҳалол-пок, никоҳ риштаси орқали боғлангани билан эътиборга сазовордир.

– қисса қаҳрамонларининг муҳаббати қанчалар юксак, туғёнли бўлишига қарамай, улар бу кучли туйғуни иймон ва инсонийлик мезонига бўйсундира олганлар. Бу ҳам ҳаётий муҳаббатнинг белгиларидан, омилларидандир ва ҳар бир инсон учун ибратдир.

– қиссада ҳақиқий муҳаббат – вафо ва фидокорлик намуналари акс этган. Ҳозирда муҳаббат деса фақат севги даъвоси, ўлдим-куйдим деган қуруқ гап-сўзлар тушуниладиган бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Бу тасаввур

одамлар ўқиб, эшитиб юрган муҳаббат қиссалари туфайли вужудга келганида шубҳа йўқ. Бу билан муҳаббатни арзон, хашаки тушунчага олиб келиб қўйилди, севги деган юксак туйғу сийқаси чиққан сўзга айланиб кетаёзди. Натижада, ёшлар ўзаро муҳаббат деганда фақат шунақа куйдим-ёндим деган изҳорлару енгил-елпи ҳаракатларни тушуниб қолмоқда ва оилавий муносабатларда ҳам шунга қараб интилмоқда. Бунинг оқибатида оилада ҳақиқий севги – фидокорлик, вафодорлик йўқолиб бормоқда, эр-хотин бир-биридан фақат зоҳирий муносабатларни талаб қилишга уринмоқда. Мазкур қиссада эса муҳаббат қуруқ тилда эмас, балки дилда ва амалда бўлгани учун ҳам ибратлидир.

– қисса қаҳрамонларининг муҳаббати қанчалар жўшқин, оташин бўлмасин, гап-сўз ва ҳаракатлари ниҳоятда пардали, ифбатли кечган. Уларнинг муҳаббати никоҳ билан, ҳалол-пок бўлса-да, улар бу севгини кўз-кўз қилишга ружу қўйишмаган, изҳоридида ҳаддан ошишмаган. Уларнинг муҳаббати қанчалар кучлилиги феъл-атворларида, фидокорликларида кўринган, айрим гап-сўзларидан сезилган, аммо ўзлари бу севгини баралла намойиш этишдан ийманишган, уни қалбларида асрашган. Балки улар бу гўзал муҳаббатни ҳам бошқалардан қизғанишгандир.

Бу муҳаббат қиссасидан кўплаб маънолар, хулосалар олиш мумкин. Хусусан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қиз тарбиясида ҳам барчамизга энг гўзал ўрнак эканларини англаш лозим.

Зайнабдаги беғубор муҳаббат, вафо, садоқат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, балки бу ота-онанинг тарбияси билан шаклланган, чунки у ана шундай меҳру вафо ошенида униб-ўсган эди. «Онасини кўриб, қизини ол», деганларидек, у жуфти ҳалолига садоқат кўрсатишни, ўзни фидо қилишни онасидан ўзлаштирган бўлиши табиий.

Тўнғич қиз одатда кўпроқ отага ўхшайди, дейди жамиятшунослар. Ҳа, Зайнабдаги одамийлик Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг шахсиятларидан бир инъикос десак, хато бўлмайди.

Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлганларидан кейин ҳам қизлари Зайнабнинг оиласига қилган вафосини, фидокорликларини қўллаб-қувватладилар, ҳамиша ардоқладилар. Агар у зот бироз норизо бўлсалар, ишлар тамоман бошқача бўлиши аниқ эди. У зотнинг куёвга бўлган эҳтиромларини кўринг! Бунда ҳам гўзал ўрнак бор. Ҳар бир тасарруфи, ҳар бир сўзи ваҳий асосида бўлиб турган зотнинг ушбу оилавий тутумларидан жуда кўп хулоса олсак бўлади. Буларнинг барчаси ўз навбатида қиз

ўстираётган оталар учун ҳам ибратдир.

Нубувват боғининг муаттар гули Зайнаб розияллоху анҳонинг ахлоқу вафосини кўринг! Унинг итоату садоқатини, камсуқум-камтарлигини қаранг! Кимсан башарият саййидининг, охирзамон Пайғамбарининг катта қизи, кейинроқ эса Мадинанинг маликаси, ақлу заковатда, ҳусну латофатда тенги йўқ ноёб аёл! Лекин у бирор марта катта кетмади, ўзини эридан устун олмади. Эри мушрик бўлганида ҳам унга садоқату вафо кўрсатди, фидокорлик қилди, яхши хислатларини ардоқлади. Бўлмаса, агар у турмушга чиқаман деса, ҳеч қачон кўчада қолмас эди, энг олийқадр саҳобалар унга харидор бўлиши аниқ эди. Лекин у вафо йўлини танлади.

Набавий хонадонга оид ушбу гўзал оила мисолида эр-хотинлик муносабатлари бугунгидек, фақат ҳуқуқ ва бурч талашиш устига қурилмаслигини, балки ўзаро вафо ва фидокорлик асосида бўлишини яққол кўриш мумкин. Бунинг тафсилотини айтаман десак, гап жуда чўзилиб кетади. Ҳар бир ақлу фаросатли, инсофу адолатли инсон бу қиссадан керакли хулоса чиқариб олиши мумкин.

Афсуски, айрим кишилар бугунги кунда эр-аёл ҳуқуқларини кўпроқ баён этиб, хусусан, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга уринишлардан нотўғри хулоса олиб, оилавий муносабатларни фақат ҳуқуқий алоқа даражасига тушириб қўйишмоқда. Бу ҳолат, айниқса, муслималик номи билан танилган, оз-моз китоб кўриб, ўзини илмли фаҳмлаб қолган опасингилларимизда кўп кузатилмоқда. Уларга қўшилиб, бечора ота-она, ака-укалар ҳам курашга камарбаста бўлиб, кейин эса ўзлари ноқулай ҳолатларга тушиб қолишмоқда. Ҳа деса, «Ана, Пайғамбаримиз аёлларига бундай қилган эканлар, саҳобалар бундай бўлишган экан», деган гапдан сўз олишади. Аммо улар нубувват хонадонидаги аёллар қанчалар вафо, фидойилик ва сабру қаноат кўрсатганларини билишмайди ёки билишни ишташмайди. Саҳобиялар эрлари олдида худди хожаси ҳузуридаги чўри каби турганларини эслашмайди. Шариатда қозиётга доир ҳуқуқлардан ташқари диёнат юзасидан ҳуқуқлар ҳам борлигини унутиб қўйишади. Эркаклар шаръий бурчи бўлмаган, аёлнинг ҳаққи бўлмаган қанча имтиёзларни мурувват юзасидан ҳозир этишларини ҳисобга олишмайди, бундай пайтда ҳуқуқий чегараларни эслашмайди. Эрлардан саҳобийлардек бўлишни талаб қилаётган оймлар ўзлари саҳобиялардек эмасликларини асло ўйлашмайди. Ривоятларда келган айрим хабарлар умр мобайнида бир-икки бор содир бўлган ҳолат бўлганини, умумий ҳаёт тарзи ундай бўлмаганини англашмайди. Мазкур қиссада нубувват хонадонида оддий

ҳол бўлган, аммо кўпчиликнинг назаридан четда қолган ана шундай чинакам исломий ҳаёт лавҳалари ёритилгани ҳам эътиборга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, биз динимиз ҳақида гапирганимизда фақат қатъий ҳукмлар, оилавий муносабатлардаги ҳақ-ҳуқуқлардан сўзлайвермай, мана шундай гўзал ҳаётий қиссалар, чин севги-муҳаббат намуналари билан суҳбатларимизни, ҳаётимизни безаб боришимиз даркор. Одамларни эзгуликка чорлаб, ёмонликлардан қайтарар эканмиз, уларга фақат кўрқув солиб эмас, балки қалбларида муҳаббат пайдо қилиш орқали мақсадга интилишимиз керак.

Биз исломиятнинг мана шундай ҳассос, ширин ҳис-туйғуларга бой нуқталарини ҳам баён этиб боришимиз лозим. Зеро, инсон шу каби тотли шуурлар билан ҳаётдан лаззат туяди, турмушнинг зарбаларига чидам беради, тирикликнинг аччиқликларини ҳазм қилади, оғирликларини кўтаради.

Севги қиссалари инсонларни қадимдан ўзига маҳлиё қилиб келган. Айниқса, ҳозирда кўплаб китобхонлар, хусусан, ёшлар, ёш қизлар хилма-хил муҳаббат қиссаларини севиб ўқишга одатланишган. Бироқ, бундай асарларнинг аксаридан никоҳдан ташқари муҳаббат, ахлоқсизлик, бебошликка тарғиб бор. Китоб аслида инсоннинг маънавиятини шакллантириши керак, аммо мазкур асарлар ёшларнинг онгини зимдан захарлаши, уларнинг дунёқарашларини бузиши турган гап. Бунинг олдини олишнинг энг яхши усули – ҳалол севги, оилавий муҳаббат намуналарини тараннум этишдир. Ана шунда мўмин-мусулмонлар тўқима, бузуқликка ундовчи «муҳаббат» қиссаларини эмас, балки ҳалол ва ҳаётий севги ҳикояларини ўқиб, бу борадаги руҳий чанқоқликларини ҳам қондирадилар, ундан гўзал ибрат ҳам оладилар.

Аллоҳ таоло барчамизга тавфиқу ҳидоят, ихлосу муҳаббат насиб этсин.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

«Ҳилол» журналининг 11(32) сонидан